



@buxdu_uz



@buxdu1




@buxdu1




www.buxdu.uz

E-ISSN 2181-1466



9 772181 146004

ISSN 2181-6875



9 772181 687004

1/2025

Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University



BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI



1/2025

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI
SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY
НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА

Ilmiy-nazariy jurnal

2025, № 1, yanvar

Jurnal 2003-yildan boshlab **filologiya** fanlari bo'yicha, 2015-yildan boshlab **fizika-matematika** fanlari bo'yicha, 2018-yildan boshlab **siyosiy** fanlar bo'yicha, **tarix** fanlari bo'yicha 2023-yil 29-avgustdan boshlab O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar Vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruriy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2000-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 12 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2020-yil 24-avgust № 1103-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Muassis: Buxoro davlat universiteti

Tahririyat manzili: 200117, O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy.

Elektron manzil: nashriyot_buxdu@buxdu.uz

TAHRIR HAY'ATI:

Bosh muharrir: Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o'rinbosari: Rasulov To'liqin Husenovich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor

Mas'ul kotib: Shirinova Mexrigiyo Shokirovna, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Kuzmichev Nikolay Dmitriyevich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor (N.P. Ogaryov nomidagi Mordova milliy tadqiqot davlat universiteti, Rossiya)

Danova M., filologiya fanlari doktori, professor (Bolgariya)

Margianti S.E., iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Indoneziya)

Minin V.V., kimyo fanlari doktori (Rossiya)

Tashqarayev R.A., texnika fanlari doktori (Qozog'iston)

Mo'minov M.E., fizika-matematika fanlari nomzodi (Malayziya)

Mengliyev Baxtiyor Rajabovich, filologiya fanlari doktori, professor

Adizov Baxtiyor Rahmonovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Abuzalova Mexriniso Kadirovna, filologiya fanlari doktori, professor

Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor

Barotov Sharif Ramazonovich, psixologiya fanlari doktori, professor, xalqaro psixologiya fanlari akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

Baqoyeva Muhabbat Qayumovna, filologiya fanlari doktori, professor

Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor

Jumayev Rustam G'aniyevich, siyosiy fanlar nomzodi, dotsent

Djurayev Davron Raxmonovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Olimov Shirinboy Sharofovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Umarov Baqo Bafoyevich, kimyo fanlari doktori, professor

Murodov G'ayrat Nekovich, filologiya fanlari doktori, professor

O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor

Navro'z-zoda Baxtiyor Nigmatovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Hayitov Shodmon Ahmadovich, tarix fanlari doktori, professor

To'rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor

Rasulov Baxtiyor Mamajonovich, tarix fanlari doktori, professor

Eshtayev Alisher Abdug'aniyevich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Quvvatova Dilrabo Habibovna, filologiya fanlari doktori, professor

Axmedova Shoira Nematovna, filologiya fanlari doktori, professor

Bekova Nazora Jo'rayevna, filologiya fanlari doktori (DSc), professor

Amonova Zilola Qodirovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Hamroyeva Shahlo Mirjonovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Nigmatova Lola Xamidovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Boboyev Feruz Sayfullayevich, tarix fanlari doktori

Jo'rayev Narzulla Qosimovich, siyosiy fanlar doktori, professor

Xolliyev Askar Ergashovich, biologiya fanlari doktori, professor

Artikova Hafiza To'ymurodovna, biologiya fanlari doktori, professor

Hayitov Shavkat Ahmadovich, filologiya fanlari doktori, professor

Qurbonova Gulnoz Negmatovna, pedagogika fanlari doktori (DSc), professor

Ixtiyarova Gulnora Akmalovna, kimyo fanlari doktori, professor

Rasulov Zubaydullo Izomovich, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Mirzayev Shavkat Mustaqimovich, texnika fanlari doktori, professor

Samiyev Kamoliddin A'zamovich, texnika fanlari doktori, dotsent

Esanov Husniddin Qurbonovich, biologiya fanlari doktori, dotsent

Zaripov Gulmurot Toxirovich, texnika fanlari nomzodi, professor

Jumayev Jura, fizika-matematika fanlari nomzodi, dotsent

Klichev Qybek Abdurasulovich, tarix fanlari doktori, dotsent

G'aybulayeva Nafisa Izattullayevna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

“МИНГ БИР КЕЧА” ҲИКОЯТЛАРИДА ҲИНД, ЭРОН РУҲИЯТИ ИФОДАСИ

Астанова Гулнора Аминовна,

*Бухоро Давлат университети ўзбек тилишунослиги ва журналистика
кафедраси профессори, ф. ф. д. (DSc)
guli4803@mail.ru*

Аннотация. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида эртақларнинг бадиий асар даражасига етиши ва авлоддан-авлодга ўтиб келишида номлари бизга номаълум бўлган юзлаб халқ эртақчиларининг хизматлари катта бўлганлиги айтилади. Дарҳақиқат, “Минг бир кеча” эртақларининг муаллифи ҳам оддий халқ вакиллари. Уларнинг саъй-ҳаракатлари бўлмаганида, бундай жаҳоншумул асар дунё юзини кўрмаган, минг йиллардан буён дунё халқлари бу ноёб дурдонадан бебаҳра қолиши муқаррар эди.

Мақолада «Минг бир кеча» асари айрим ҳикоятларининг матн ва мазмуни қадим ҳинд ва эрон халқ оғзаки ижодига бориб тақалиши, унинг илдизи ҳақиқатдан ҳиндлар ва эронийларнинг ҳаёт тарзидан олинганлиги илмий тадқиқ этилади. Шу жиҳатдан мақолада Шарқ халқлари ҳаётининг «Минг бир кеча» асари ҳикоятларига таъсири муаммолари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: »Минг бир кеча», Шаҳризода, ҳинд, эрон, халқ, эртақ, образ, бадиият.

HINDI-IRANIAN SPIRIT IN THE STORIES OF "A THOUSAND NIGHTS"

Аннотация. В Национальной энциклопедии Узбекистана говорится, что велики заслуги сотен народных мастеров, имена которых нам неизвестны, в доведении сказок до уровня художественных произведений и передаче их из поколения в поколение. Ведь авторы сказок «Тысячи и одной ночей» тоже обычные люди. Без их усилий такой глобальный шедевр не появился бы в мире, и было неизбежно, что народы мира были бы лишены этого уникального шедевра на тысячи лет.

В статье научно исследуется, что текст и содержание некоторых рассказов произведения «Тысяча и одной ночей» восходят к древнему индийскому и иранскому фольклору, а его корни фактически вытекают из образа жизни индийцев и иранцев. В связи с этим в статье рассматриваются проблемы влияния жизни народов Востока на сюжеты произведения «Тысяча и одна ночь».

Ключевые слова: «Тысяча и одна ночь», Шахризода, индийский, иранский, народный, сказка, образ, искусство.

HINDI-IRANIAN SPIRIT IN THE STORIES OF "A THOUSAND NIGHTS"

Abstract. The National Encyclopedia of Uzbekistan states that the merits of hundreds of folk artists, whose names are unknown to us, are great in bringing fairy tales to the level of artistic works and passing them on from generation to generation. After all, the authors of the tales of "A Thousand and One Nights" are also ordinary people. Without their efforts, such a global masterpiece would not have appeared in the world, and it was inevitable that the peoples of the world would be deprived of this unique masterpiece for thousands of years.

The article scientifically examines that the text and content of some stories of the work "A Thousand and One Nights" go back to ancient Indian and Iranian folklore, and its roots actually flow from the way of life of Indians and Iranians. In this regard, the article examines the problems of the influence of the life of the peoples of the East on the plots of the work "A Thousand and One Nights".

Keywords: "A Thousand and One Nights", Shahrizoda, Indian, Iranian, folk, fairy tale, image, art.

Фольклоршунос олим Ж.Юсупов ҳар бир эртақчилик мактаби ўзининг ижтимоий-эстетик принципларига асосланганини таъкидлаб ўтаркан, эртақларнинг ижро усули, сюжет таркиби, мотивлар тузилишининг ўзига хослигига кўра уларни географик ҳудудий типларга бўлиб ўрганиш кераклигини уқтиради [1,50].

Немис олими Т.Нёльдеке (1836-1930) Ҳорун ар-Рашид ҳақидаги ҳикоятлар Бағдодда пайдо бўлган бўлиб, қолган сеҳрли-фантастик ҳикоятлар эса Мисрдан келиб чиққан, деган фикрни илгари сурган [2,206]. Л. Мишеев эса “Минг бир кеча” эртақларини 4 гуруҳга ажратган [3,34]. Эструп (1867-

1938) ҳам 4 қисмга тақсимлайди[4,103]. Э.Литтман ва А.Е.Крымскийлар эса тўпламга турли даврда ва турли жойларда кирган ва вужудга келган ҳикоятларни 3 асосий гуруҳга ажратдилар. Булар ҳинд-эрон, бағдод ва миср ҳикоятларидир.

“Минг бир кеча”нинг энг қадимги ва биринчи босқичлари Шаҳризода ва Шаҳриёр образлари, шунингдек сеҳрли-фантастик ҳикоятлари сирасига кирадиган “Бой билан жин ҳикояти” ёки “Балиқчи билан дев”, “Синдбоди баҳрий ҳикоятлари” сингари, ҳайвон ва паррандаларга оид ҳикоятлар типига кирадиган “Кийик билан товус”, “Сув қуши билан тошбақа”, “Бўри, одам ўғли ва тулки”, “Сичқон билан латча”, “Қарға билан мушук”, “Қарға билан тулки, бурга билан билан сичқон ва бургут билан чумчук”, “Кирпи билан ёввойи каптар”, “Чумчук билан товус” каби эртаклар ҳамда панд-насихатга оид ҳикоятлардан бўлмиш “Шаҳзода ва етти вазир,” ”Шоҳ Жиллиод ўғли Вирдхон киссаси” [5, 303]каби эртаклар ҳинд-эрон ҳикоят ва ривоятларига бориб тақалади. Мазкур ҳикоятлар ватани Ҳиндистон эканлигига ва улар Эрон орқали арабларга кириб келганлигига шубҳа йўқ. Чунки, ўша даврда араб оғзаки адабиётида исломийлаштирилган давлатлар маданиятининг халқ оғзаки ижодини Эрон ва Ҳинд асарларини оғзаки таржима қилиш кенг ўрин олганлигини эътироф этади И.М.Фильштинский [2, 210].

Дарҳақиқат, “Минг бир кеча”нинг Ҳинд ва Эрон ҳикоятлари пойдевори орасидаги чегарани аниқ айтиб бўлмайди. Айрим эртакларда форсий исмлар (Шоҳзамон, Шаҳриёр, Шаҳризода каби), Сосонийлар давлати подшоҳлари, Эрон географик жой номлари (Шероз, Хуросон) ва турли хил форсий ҳаёт ҳақиқатлари учрайди.

“Минг бир кеча” учун асосий услуб бўлиб хизмат қиладиган қолип тузилиши ҳиндлардан кириб келганлигини, ҳинд адабиёти ёдгорлиги бўлмиш “Панчатантра” каби асарлар ана шундай қолиб ичида тузилган ҳикоятлардан иборатлигини, улардаги ҳар бир ҳикоят тугалланган ва бир-бирига боғланмаганлигини олим П.Г.Гринцер ўз илмий қарашлари билан исботлайди.[6,250] Бироқ араблар қўлига ўтгач, бундай ҳикоятлар ўзига хос жанрлик хусусиятини йўқотиб, қулай, ихчам, турли хил мазмун касб этадиган ҳикоятлар билан бойидики, бу нарса унинг тузилишини бузмади. Дарҳақиқат, Ҳинд манбаларидаги, бир ҳикоятдан иккинчи ҳикоятга ўтиш услуби оддий боғланиш асосида рўй беради. Ҳикоятгўй дейди: “Сен ундай қилмаслигинг керак, бўлмаса сен билан фалончида содир бўлган иш рўй беради”. – “Бу қандай содир бўлган эди?” – деб сўрайди суҳбатдош. Шундан сўнг янги ҳикоят бошланиб кетади. Буни биз “Калила ва Димна”да ҳам кузатишимиз мумкин.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, “Минг бир кеча” ни очиб берувчи ва уни яхлит бир бутунликда сақлаб турувчи воқеаларга ўхшаш сюжет, яъни ака-ука Шаҳриёр ва Шоҳзамон бир оз муддат уйдан узоқлашганида уларнинг аёллари ўз ошиқлари билан бўлиб кетишини кўрган шоҳ Шаҳриёр ҳар кеч бир қизга уйланиб, эрталаб уни қатл эттиришга қарор қилиш лавҳаси қадимги ҳинд тўплами – “Ривоятлар уммони” (“Катхасярисагара”) асарида ҳам учрайди. Бу асар қаҳрамонлари – савдогар, брахман ва уларнинг йўлдоши ҳам ўз аёлларининг хиёнатини кўриб, ўрмонга бориб ўша ерда тўпланиб, таркидунёчилик ва медитация билан шуғулланишга қарор қилишади [6,256].

Шаҳриёр ва Шоҳзамон ўз аёллари қилмишидан изтиробда шаҳардан чиқиб кенг далада якка дарахт остига бориб дам олади. Шунда дарёдан сандик кўтарган жин чиқиб, дарахт остига келиб, ухлаганида сандикдан бир қиз чиқиб, кўрқиб турган ака-укаларни ўзига чорлайди ва улардан биттадан узук олади. У шу аснода йикқан қатор-қатор узукларини кўрсатади. “Худди шу лавҳани биз “Ривоятлар уммони” асарида ҳам учратамиз” [2,214].

Ҳиндча кўринишларнинг яна бир лавҳаси бу “Минг бир кеча”даги Шаҳризоданинг шоҳ Шаҳриёрга турмушга чиқишида вазирнинг қизини бу йўлдан қайтариш мақсадида сўзлаган ҳикоятида кўринади. Вазир ҳикоятда ҳайвон тилини биладиган савдогар ва унинг сирини эрини ўлими эвазига билишга интилган хотини ҳақида ривоят қилинади. И.Фильштинский худди шу лавҳани “Рамаяна”да кўриш мумкинлигини таъкидлайди [2,214].

“Минг бир кеча”да “Тегирмончи ва унинг хотини” ҳикояти бор. Унда аёлнинг эрини яшириб қўйган бойлиги сирларидан воқиф бўлиб, натижада оилани камбағалликка юз тутишига сабабчи бўлиши воқеалари баён этилади. Худди шундай лавҳаларни “Тўтининг ҳикоятлари” да [6,258] кўриш мумкин.

Ҳинд ҳикоятларидан келиб чиққан эртакларга яна “Минг бир кеча”даги “Балиқчи билан дев” [5,41] эртагини мисол қилиш мумкин. ”Яхшиликка ҳамиша яхшилик эмас, балки ёмонлик ҳам келиши мумкин”лигига тайёр туришлик кераклиги ўқтириладиган бундай ҳикоятга “Панчатантра” да кўриш мумкин. Унда Брахман томонидан қутқарилган йўлбарс ўз қутқарувчисига ташланиши ҳақидаги ривоят ҳикоят қилинади. Бу ерда брахманни шокол қутқариб қолади.

Юқорида келтирилган “Балиқчи билан дев” ҳақидаги эртакда қатор яна бошқа ҳикоятлар келади. Унда балиқчининг жинга сўзлаб берган ҳикояти ичида “Юнон шоҳ, ва ҳаким Руён ҳикояти” бор. Мазкур ҳикоят ичида форс шоҳи ва уни илон захридан қутқарган бургути ҳақида ҳикоят

қилинади. “Бироқ мазкур лавҳа, яъни бургутнинг қаноти билан илон захри тўлдирилган идишни уриб йиқитиши эронийларнинг “Тўти ҳикоятлари” эртагининг қайта ишланган вариантыда учратиш мумкин”, – дейди олим Е.А.Крымский [7,53].

Шу тахлит ҳикоят ичида ҳикоят давом этиб, яна балиқчи ва жин образига қайтилади. Жин балиқчини уни қутқариш эвазига тўрт хил – оқ, қизил, ҳаво ранг ва сариқ балиқлар маконига олиб боришни айтади. Бу балиқлардан шохга инъом этса, шох уни тақдирлашини ҳам эслатиб қўяди.

Немис ҳиндшунос олими А.Шлегель мазкур тўрт хил балиқни қадимги ҳинд манбаларидан олинганлигини таъкидлайди. Браҳманлар, кшатралар (ҳарбийлар), вайшлар (савдогар, ҳунарманд, ер эгалари) ва шудралар (пастки табақа вакиллари, қуллар). Бу ҳикоятда энди улар ранг сифатида қабул қилинган. Бу ерда ҳар бир табақа ўз рангига эга, яъни браҳманлар – оқ, кшатралар – қизил, вайшлар – сариқ, шудралар – қора.

Худди шу ранглари “Минг бир кеча”да ҳам кўриш мумкин.

Ранглар борасидаги тадқиқотлардан келиб чиқадиган бўлсак, ранглarning маъно-моҳияти, асарда бажарадиган вазифаси ойдинлашади, уларнинг генезиси жуда қадим замонларга бориб тақалади. Улуғ шайх Нажмиддин Кубронинг ранглар тўғрисидаги асарини эсга олсак, халқ эртақларида учрайдиган ҳар бир детал маълум мақсад-вазифа ташиши маълум бўлади.

Икки ҳикоят – “Шох Жиллиод ўғли Вирдхон қиссаси” ҳамда “Шахзода ва етти вазир” каби ибратомуз ҳикоятларнинг бошланғич ватани Ҳиндистон бўлиб, Эрон орқали арабларга кириб келгандан сўнг, у исломий руҳни қабул қилган.

Мазкур ҳикоятларни бир неча қисмларга бўлиш мумкин, чунки ҳар бир қисмдаги ҳиндча рух тенг тақсимланмаган.

“Шох Жиллиод ўғли Вирдхон қиссаси” ҳикоятининг биринчи қисмида қаҳрамон Ҳинд шoҳи Жиллиод – тўлақонли комил подшoҳ. Ёнидаги вазири Шимос ҳам жуда билагон, доно, комил инсон. Шимоснинг подшoҳга ўғитлари ҳаётий характер касб этади: “Душманга ҳеч қачон ишонмаслик”, “Кўпга ҳам, камга ҳам қаноатли бўлиб, Аллоҳга шукрона келтириш” ва шунга ўхшаш панд-насихатлар.

Хуллас, Шимоснинг ҳар бир ўғитида шoҳнинг қандай шахс бўлиши лозимлиги уқтирилади: “Шoҳ қачонки одил бўлса, салтанатни одилона бошқарса, қонун ва халқ орасидаги урф-одатларни қўллаб-қувватласа, беҳуда қон тўкилишига йўл қўймаса, ёмонликларни бартараф этса, у ҳақиқий шoҳ ҳисобланади.” Шимоснинг бу тахлит ўғитлари қадимги ҳинд панд-насихат типидagi адабиёти “Калила ва Димна”, “Панчатантра”га жуда ўхшаб кетади.

Ҳикоятнинг биринчи қисмида ҳар бир янги ривоятнинг бошланиши ҳиндча услубда, яъни “Бу қандай бўлган эди?”, Бунинг жавоби – “Бу шундай бўлган эдики...”, деб бошланса, ҳикоятнинг иккинчи қисмида бундай услубни кўрмаймиз. Эҳтимолки, унинг бу қисмига кечроқ яна ўзгартиришлар киритилган.

“Шох Жиллиод ўғли Вирдхон қиссаси” ҳикояти ҳаққоний ҳинд-эрон дидактик адабиёти намунаси. Бироқ юқорида таъкидланганидек, у арабчага ўтирилганда буткул исломий руҳни олиб, “арабий тўн” кийган. Ҳикоят исломий рух билан тугайди: қачонки шoҳ ўз қилмишларига аёлларни сабабчи қилса, оқил вазир уни тўхтатиб: “Билгилки, эй шoҳ, айб фақат аёлларда эмас, улар бир яхши нарсага ўхшайдилар...улар хоҳлаган кишиларига сотиладилар, хоҳламаганларга мажбурланмайдилар. Айб уларнинг зарар етказишини била туриб, сотиб олганлардадир... Буюк Аллоҳ бизларга ўз хоҳишимизга қўйиб берди, хоҳласак бажарамиз, хоҳламасак йўқ”.

Аёллар макри ҳақидаги ҳикоятлардан бири “Шахзода ва етти вазир” эртагидир.

Кўринишича, “Шахзода ва етти вазир” ҳикоятидаги қатор ривоятлар аслида алоҳида мустақил масаллар бўлгану, кейинчалик у бир ягона эртақ таркибига сингдирилган. Уларнинг ҳам мазмун моҳияти қадимги ҳинд - эрон манбаларидаги ривоятларга жуда ўхшаш, масалан, биринчи вазирнинг айтган ривоятида тўти ёрдамида эрини алдашга муваффақ бўлган аёл ҳақида ҳикоят қилинади. Бундай ривоят (нақл) “Синдбоднома”да [8,26] ҳам учрайди, иккинчи вазирнинг эри ва хазиначи ҳамда унинг қулини алдагани борасидаги ҳикоят “Тўтининг ҳикоятлари” ҳамда “Синдбоднома” да учрайди. Учинчи вазирнинг аёлининг сотувчидан гуруч ўрнига тош ва юмалоқланган кумни олиб келиши ҳақидаги ҳикоят ҳам юқоридаги икки асарда учрайди. Бешинчи вазирнинг айтган ривояти фош этувчи характер касб этмайди. Бироқ ҳиндча услубга мувофиқ ҳукмдорни ўйламай иш қилишдан огоҳлантиради. Унда кўпгина ҳиндча ҳикоят қилишнинг анъанавий услублари кўзга ташланади: сирли махфий эшиқлар, унга кирган қаҳрамон турли хил саргузаштларни бошидан кечириди, қаҳрамон билан бирга узок ўлкаларга қараб учадиган баҳайбат қушлар тасвири, амазонкалар диёри ҳақидаги лавҳалар ва бошқалар. Бироқ ҳикоятдаги еттинчи вазирнинг айтганларида энди бағдодча рух сезилади.

Тўртинчи вазирнинг айтган ҳикояти (хотиннинг эри кетганида унга бир йигит ошиқ бўлиши-ю, кампир аёлни алдаб уни ўз эри ёнига олиб келиши) қадимги ҳинд адабиётида учрайди. У “Тўтининг

ҳикоятлари” ва “Ҳикоятлар уммони” да учраса-да, “Минг бир кеча”даги бу ҳикоят “Ҳикоятлар уммони”дагидан анча фарқланади.

Шу тарзда мазкур ҳикоятнинг арабийлашган вариантыда ақл-фаросатли ҳинд қаҳрамон аёли мураккаб ва қарама-қарши характерли, шу билан бирга ишонувчан, ахлоқсиз ва зукко аёлга айланган.

“Минг бир кеча”даги ҳикоятларнинг бир қанчасини ҳайвонлар ҳақидаги ҳикоятлар қамраб олади. Ундаги ҳайвонлар образи остига яширинган шахсларнинг кимлиги ва бу ҳикоятлар кимга тегишлилиги аён, бироқ уларнинг келиб чиқишини қайсидир манбадан деб қидирмасак ҳам бўлади. Чунки бундай панд-насиҳат тарзида ёзилган ҳикоятлар негизи бу “Панчатантра”дир. Шунга кўра “Минг бир кеча” даги бундай ҳикоятлар ё албатта ҳиндча негиздан, ё бўлмаса ҳинд ривоятлари таъсирида пайдо бўлган, деб қараш мумкин.

Ҳинд ҳикоятларидан фарқли ўларок, ўзаги эрон ҳикоятларидан бўлган эртақлар аниқ-равшан сезилмаса-да, исломдан олдинги давр эрон ҳаётини кўрсатадиган лавҳалар очиқ-ойдин кўринади. Эрон ҳикоятлари сюжети, асосан, муҳаббат тўқнашувлари асосида қурилади. Бунда қаҳрамонлар нотаниш бир қиз ҳақида эшитиб қолади, ёки улар тиккан бирор бир нарсани кўриб қолишади, ё бўлмаса, унинг чиройли хулқ-атворини эшитиб, севиб қолишади.

Масалан, “Шаҳзода Ардашер ва Ҳаётуннуфус қиссаси” да Шероз шоҳи ўғли Ардашернинг Эрон маликаси Ҳаётуннуфуснинг эркак зотини хушламаслиги ҳақидаги шов-шувни эшитиб, уни севиб қолса, “Подшо Бадр Босим ва малика Жавҳара” қиссасида йигит сув ости шоҳи қизи малика Жавҳара ҳақида эшитиб, уни ёқтириб қолади. Ёки “Сайфулмулук” қиссасидаги Сайфулмулукнинг “мусулмон жин”лар шохининг қизи Бадиатулжамол суратини кўриб, унга ошиқ бўлади.

Аҳамият берсак, келиб чиқиши Эрон бўлган ривоятларда бош қаҳрамон йигит шаҳзода ва унинг севгилис малика бўлади.

Кутилмаганда қиз ҳақида эшитиб қолган қаҳрамон йигит уни севиб қолади ва уни қидириб топиш мақсадида йўлга отланади. Йўлда кўпгина саргузаштларни бошидан кечириб, охирида қизга етишади. Улар бахтиёр ҳаёт кечиришади. Ҳинд эртақларидан фарқли ўларок, Эрон эртақларида сеҳр камроқ учрайди. У иккинчи даражалидир. Йигитнинг қизга етишиш учун ҳар қандай қийинчиликларга бардош беришини тавсифлаш ҳикоят мақсад- моҳиятини ташкил этади.

Бундай ҳикоятларга “Шаҳзода Ардашер ва Ҳаётуннуфус қиссаси” ни мисол келтириш мумкин. Бунда воқеалар ривожини кузатганда, Эрон ва Араб мотивлар бир-бирига шу қадар жипслашиб кетганки, улар ҳикоятнинг мукамаллигига даҳл қилмаган.

“Басралик Ҳасан қиссаси”да араб-эрон мотивларининг қўшилиб кетиш жараёни аниқ кўринади. У икки қисмга ажралади: кириш қисми: унда басралик заргар, ёвуз сеҳргар – Ҳасан ва оловга сиғинувчи форс – Баҳрон Муғ динига қизиқиб қолганини баҳона қилиб, ундан етиб бўлмас тоғ қоясига чиқиб, сеҳр учун керак бўладиган нодир ўсимликни олишда фойдаланмоқчи.

Ҳикоятдаги бу лавҳа арабларнинг Эронни фатҳ этиши-ю, халифалик ўрнатилишидан кейин эрон ва араб сиёсий гуруҳларининг тўқнашуви даврида вужудга келган бўлса, эҳтимол.

Ҳикоятнинг иккинчи қисмида ошиқнинг маъшуқасини қидиришга тушиш элементлари Эрон эртақларига хос. Унда бир кеча афсунгарлар, сеҳргарлар, куш-қизлар, бутун бошли жинлар армияси бўйсунадиган сеҳрли таёкча, кўринмас қалпоқча, сеҳрли дўмбира, сирли эшиқлар мавжуд.

Демак, юқорида кўриб ўтган “Минг бир кеча” эртақларидаги бундай образлар, лавҳалар ва ашёларнинг мавжудлиги асар эртақлари пойдевори ҳинд-эрон манбалари асосида бунёд бўлганлигига шубҳа қолдирмайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Юсупов Ж. *Хоразм эртақларининг генезиси, асосий хусусиятлари ва поэтикаси*: Филол. фан. док. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 50 б.
2. Фильштинский И.М. *История арабской литературы X–XVIII века*. – М.: Наука, 1991. – С. 506.
3. Мишеев Л. “Минг бир кеча” ёки Шаҳризоданинг сири. // *Фан ва турмуш*; 1972; №3. – Б. 34.
4. Эструп И. *Исследование о 1001 ночи, ее составе возникновений и развитии*. / Пер. с датского В.Ланге. – М.: Изд. Лазаревск. ин.т. вост. яз. 1904. – С. 103.
5. *Минг бир кеча. Араб эртақлари*. / С.Муталлибов тарж. – Т.: 1959. 8жилдлик. Ж.1. – Б.29.
6. Гринцер П.Г. *Древнеиндийская проза (обрамленная повесть)*. – М.: 1963. – С. 250.
7. Крымский Е.А. *Тысяча и одна ночь. Общий историка – литературный очерк*. – М.: 1905. – С. 53.

LITERARY CRITICISM

8. *Аз-Захири ас-Самарканди Мухаммед. Синдбаднаме. / Пер.с перс. М.Н. Османова. – М.: 1960. – С. 82-93*
9. *Астанова Г. А. “Минг бир кеча” асаридаги аёллар образида тадбиркорлик ва қаҳрамонлик хусусиятларининг бадиий талқини //международный журнал искусство слова. – 2021. – Т. 4. – №. 4.*
10. *Астанова Г. А. Миср ҳикоятларида шарқона менталитет //международный журнал искусство слова. – 2022. – Т. 5. – №. 5.*
11. *Астанова Г. А. “Минг бир кеча” ва ўзбек фольклори //Miasto Przyszłości. – 2022. – Т. 27. – С. 66-69.*
12. *Astanova G. A. A Masterpiece of arabian tales and world literature //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 3. – С. 352-356.*
13. *Astanova G. A. Historical truth in the images of women in shakhrizad stories //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 1. – С. 204-207.*
14. *Астанова Г. А. “Минг бир кеча” ва ўзбек фольклори //Miasto Przyszłości. – 2022. – Т. 27. – С. 66-69.*